Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 156 (8896). • 1986 йил 12 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР химия ва нефть химияси машинасозлиги министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган катта группа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.**

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:**

Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси металл қирқувчиси М. Эргашев Октябрь Революцияси ордени билан;

Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О. А. Ватеванян, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси токари И. Ф. Дубова, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент Компрессор заводи слесари Э. Акбаров Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан;

Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Г. И. Махибразюк Халқлар Дўстлиги ордени билан;

Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси кран машинисти Ж. Ахбаева, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг химия машинасозлиги заводи партия ташкилоти секретари А. И. Бугаев, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси электр пайвандчиси В. Е. Волосников, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент Компрессор заводи бош металлурги Л. С. Чернер Ҳурмат Белгиси ордени билан;

Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадаси бошлиғи В. И. Зайцев, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. В. Минеев, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бўёқчиси А. К. Муранова, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси электр пайвандчиси О. А. Овечкин, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси кран машинисти С. С. Приходько, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритувчиси А. Б. Расторгуев, Ўзбекистон химия ва компрессор машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент Компрессор заводи штамповкачиси Ш. Г. Нурмуҳамедов III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан;

Шунингдек, 8 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан, 9 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирландилар.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

## МЎЛЖАЛ — 40 ЦЕНТНЕР

◆ БЕКНОЗ БОЙМАТОВНИ фақат Охунбобоев номли колхоздагина эмас, балки Оққўрғон районида уста пахтакор сифатида кўпчилик яхши танийди. У ўттиз йилдан буён деҳқончилик қилади. Бригадада тадбиркорлик билан иш юритилаётганлиги туфайли коллектив аъзолари ҳар йили планларини ошириб бажараяптилар. Бу йил улар областимизнинг бир группа ташаббускорлари қаторида ҳар гектаридан камида 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Суратларда: Ҳурмат Белгиси ордени нишондори Б. Бойматов; ғўзага ишлов бериш пайти.

Ҳ. Аввалов фотолари.





## ПУДРАТ ХОСИЯТИ

Ўрмон ЭРНАЗАРОВ бошчилик қилаётган бригада деҳқонларини Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида тадбиркорлар дейишади. Бу бежиз эмас. Бир неча йилдирки, бу коллектив пахтадан мўл ва сифатли ҳосил олиб келаяпти. Биргина 1985 йилда ҳар гектар ердан 39 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишди.

— Ютуқларимизнинг асосий манбаи ишни бригада пудрати асосида олиб бораётганлигимиз бўляпти,— дейди бригада етакчиси.— Шу илғор усул туфайли кишиларимизда меҳнатга муносабат ўзгарди. Ҳамма пировард натижа учун бирдек жон куйдирадиган бўлиб қолди. Бу йил янада юқори натижаларга эришиш учун курашяпмиз.

Бригада далаларида иш қизғин. Ҳамма ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида пахтадан мўл, эртаги, сифатли ҳосил етиштириш йўлида тер тўкяпти. Қилинган меҳнатлар зое кетмаяпти. Ҳар туп ғўзада 8—9 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Деҳқонлар бу йил ҳам асосий ҳосилни машиналарда териб олишади. Бунга пухта тайёргарлик кўрилаяпти.

Областимизнинг бир группа илғор пахтакорлари ташаббусига қўшилган коллектив деҳқонлари парваришни ҳосил пишиб етилгунча давом эттиришга, гектаридан камида 40 центнердан юқори сифатли «оқ олтин» йиғиштириб олишга сўз беришган.

**Ғ. УМАРОВ.**

## ҚАДРЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИ

● ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ҲАММА НАРСАНИ ШУ КУНЛАРДА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИНГ. ● АҲОЛИГА САРХИЛ, СИФАТЛИ САБЗАВОТ, МЕВА МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК. ● ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИНГ, ОЗУҚА ЖАМҒАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИНГ.

## ҚЎЙЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

ПАРКЕНТ районида янги ташкил этилган хўжаликлардан бири «Чотқол» совхози боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Хўжаликда айниқса, қўйчилик жадал ривожланиб боряпти. Дастлаб бу ерда 4 минг бош қўй боқилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 8 мингга етиб қолди. Шуниси диққатга сазоворки, совхозда қўйчилик асосан ички имкониятлар ҳисобига ривожлантирилмоқда.

Ана шу резервлардан бири қўзи олиш план ва топшириқларининг мунтазам ошириб бажарилаётганлигидир. Масалан, бу йил пландаги 2720 бош ўрнига 3011 бош соғлом қўзи олинди. Ҳар юз бош совлиқдан 95 бош ўрнига 104 тадан насл олишга эришилди. Хўжаликнинг Яйлов Маносиров, Исроил Ҳасанов, Сайлов Суворов ўртоқлар бошчилик қилаётган отарларида кўплаб қўзи ўстиришга қолдирилди.

Совхоз чўпонлари жун қирқиб олишда ҳам яхши натижаларга эришдилар. Ҳар бош қўйдан икки килограмм ўрнига салкам икки ярим килограммдан жун қирқилди.

Хўжаликда келгусида қўйчиликни янада ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу беш йиллик охирига бориб бу ерда 12 минг бош қўй боқилади.

**А. НАБИХЎЖАЕВ,**
**А. ТОЖИЕВ.**

## ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА имкониятлар кўп, деймиз. Лекин ана шу резервлардан фойдаланишга келганда оқсаймиз. Шунинг натижасида қанча-қанча ҳосил кам олинади. Шу нуқтаи назардан масалага ёндашганда бир группа илғор ҳамкасбларимнинг ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман. Уларнинг ичида бизнинг районимиздан ҳам охунбобоевлик Набижон Фозиловнинг борлиги мени қувонтирди. Чунки пахтачиликни жадал ривожлантиришни, ҳосилдорликни оширишни ундан ўргансак арзийди.

Умуман, ҳозирги куннинг талаби пахтадан мунтазам мўл ва сифатли ҳосил олишдан иборатдир. Биз масалага шундай ёндашяпмиз. Бригадамиз аъзолари бу йил 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, планда белгиланган 30 центнер ўрнига камида 35 центнердан пахта йиғиштириб олишга аҳд қилдилар. Албатта, бу натижага эришиш учун астойдил жон куйдириб меҳнат қилиш керак бўлади.

Умуман олганда, ишларимиз яхши. Ҳозиргача ғўза қатор ораларига беш марта комплекс ишлов бердик. Ўз вақтида суғоряпмиз. Дала ишларининг сифатли бўлишида бригадамизда ташкил этилган советнинг роли катта бўлаётир. Бу совет аъзолари интизомни, ҳар бир кишининг ўз ишига қандай муносабатда бўлаётганлигини, меҳнат унумдорлиги самарасини ҳисоб-китоб қилиб бормоқдалар. Агар кимда-ким ишни сифатсиз бажарган бўлса жазоламоқдалар. Аксинча, суғоришни ёки культивацияни оби-тобида бажарган бўлса мукофотламоқдалар.

### ТАШАББУСКОР ПАХТАКОРЛАР ИЗДОШЛАРИ

Бригадамизда муаммолар талайгина. Ана шулардан бири маҳсулот таннархини арзонлаштириш билан боғлиқ. Очиғини айтганда ҳали бу соҳада кўп иш қилишимиз керак. Ташаббускорлар таъкидлаганларидек, маҳсулот таннархини асосан машина ва механизмлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига камайтиришимиз зарур. Бу жуда катта резерв.

Айни кунларда бригадамизнинг механизаторлари ака-ука Абдураҳмон ва Абдусаттор Мусаевлар йиғим-теримга тайёргарликни бошлаб юборишди. Улар бу йил ҳосилнинг 85 процентини териб беришга ваъда қилдилар. Терим агрегатларини ўзлари ремонтдан чиқариб, созлаб қўйдилар.

Деҳқончиликда фақат бугунни ўйлаб ишлаш ярамайди. Биз келгусида пахтачиликни янада ривожлантирамиз. Бунинг учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Бригадамизда мураббийчилик ҳаракати кенг авж олган.

Биз мактаб партасидан кечагина чиққан ёшларга пахтачиликнинг сир-асрорларини ўргатяпмиз. Бугунги кунда коллективимизнинг Турдиали Рустамов, Турғонбек Абдукаримов сингари тажрибали, моҳир сувчилари Рисбой Исақулов, Қаҳҳор Мусаев каби ёшларга сидқидилдан иш ўргатишмоқда.

Хуллас, бригадамизда ҳосилдорликни ошириш учун жадал кураш бошланди. Ҳаммамиз бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилаяпмиз. Белгиланган марраларни эгаллаш учун имкониятлар етарли. Эндиликда фақат тадбиркорлик билан ишлашимиз керак.

**Р. АЙДАРҚУЛОВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг 8-бригадаси бошлиғи.**

*Ирригация қурилишларида*

## ЖАВОБИМИЗ — ЗАРБДОР МЕҲНАТ

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаати республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги саноат корхоналарида ҳам қизғин маъқулланмоқда. «Иргидромаш» заводининг созловчи слесари, меҳнат ветерани Игорь Николаевич Есениннинг ҳикоя қилишича, бу Мурожаат ва КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорларини коллективда қизғин қўллаб-қувватлашяпти. «Иргидромаш» меҳнатчилари бунинг акс таъсирини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда, буларни ҳал этишни эса илмий техника тараққиётини жадаллаштиришда деб билмоқдалар. Корхонада мана шу йўлда амалга ошириладжак тадбирлар программаси ишлаб чиқилди.

«Иргидромаш» 1974 йилда қурила бошланган эди. Мақсад — Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг сув тўсгич арматураларига, металл конструкцияларга, гидротехник ускуналарга бўлган эҳтиёжини қондириш. 1979 йилда унинг биринчи навбати ишга туширилди. Икки йилдан сўнг биринчи навбат тўла қувват билан ишлай бошлади.

Янги беш йилликда иш миқдорлари янада ортади. Қуюв цехи корпусларини фойдаланишга топшириш билан чўян қуйиш кўпаяди. Бу эса Чирчиқ соҳилида қурилаётган Тошкент мотор заводини тезроқ бунёд этишга кўмаклашади. Мана шу ишларни муваффақиятли олиб бориш учун ташкилотчилик ва тартиб-интизом, меҳнат унумдорлигини ҳамда маҳсулот сифатини оширишга коллектив кураши тақозо этилади. Социалистик мусобақа мана шу резервларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида хизмат қиляпти. Мусобақа яхши ташкил этилгани учун ҳам 1985 йилнинг охирига келиб меҳнат унумдорлиги 7,3 процент, шу йилнинг ўтган олти ойида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,2 процент ошди.

Завод коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган давридаги иш якунларини таҳлил қилиб, социалистик мусобақа имкониятлари ҳозирча тўлиқ ишга солинмаётганини, камчиликлар мавжудлигини аниқлади. Шунингдек, брак маҳсулот чиқиши, назоратдаги объектларнинг буюртмасини вақтида бажармаслик каби нуқсонлар ҳам учраб турибди. Масалан, Сурхондарё областидаги насос станцияларига ностандарт ускуналар тайёрлаш графиги 1984 йилда тасдиқланган эди. Ўтган беш йилликнинг охиригача бу график бажарилмади, мана эндигина бажарилиш арафасида.

Агар заводда ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг куч-қувватлари биргаликда тўғри сафарбар этилса, бу ва бошқа камчиликлар рўй бермаслиги мумкин эди. Партиямизнинг Марказий Комитети ўз Мурожаатида худди мана шундай ҳамкорлик билан юқори сифатни таъминлашга, бракнинг йўлига ғов қўйишга даъват этяпти. Мурожаатда айтилган — завод маркасининг шуҳрати ҳар бир меҳнаткашнинг номус ва виждони экани тўғрисидаги гаплар меҳнатчиларни янги ғалабалар сари илҳомлантирмоқда.

**А. ВАЛУЙСКИЙ,**
**Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ходими.**

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

**9 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика колхоз ва совхозлари социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини ўзаро текшириш якунлари кўриб чиқилди. Пахтакор республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари: Озарбайжон ССРдан — Т. Х. Оружевнинг, Тожикистон ССРдан — А. Н. Мақсумовнинг, Туркманистон ССРдан — Б. Ёзқулиевнинг ахборотлари тингланди.**

Республика агросаноат комплекси меҳнатчилари табиий офатлар ва ноқулай об-ҳаво оқибатларини бартараф эта бориб, давлатга пилла сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини тўплаш борасида қизғин иш олиб бораётганликлари қайд этиб ўтилди. Қардош пахтакор республикалар ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа юксак пировард натижалар учун курашда сафарбар қилувчи катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ўзаро текшириш шуни кўрсатдики, баъзи областлар, районларда, колхоз ва совхозларда ғўза парвариши агротехникасини бузишга йўл қўйилмоқда, чеканка чўзиб юборилмоқда, далалар бегона ўтлардан тозаланмаган, экинларни культивация қилиш ва озиқлантириш ишлари сифатсиз ўтказилмоқда. Суғоришни ўтказишда қаровсизликка йўл қўйилмоқда, ғўзаларни чанқатиб қўйиш ва қўллатиб юбориш ҳоллари мавжуд, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва ғўза касалликларига қарши кураш суст олиб борилмоқда. Натижада Андижон, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва бошқа областларнинг айрим далаларида ғўзаларнинг сийраклашиб қолишига, кўсак тугилишида қолоқликка йўл қўйилган.

1986 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, тайёрлаш ва қайта ишлашга ҳозирлик кўришда жиддий камчиликлар аниқланди. Бир қанча областлар пахта териш техникаси ва бошқа техникани ремонт қилишда, пахта заводларини, тайёрлов пунктларини, пахтани алоҳида-алоҳида сақлаш учун зарур бўлган хирмон майдонларини тахт қилиб қўйишда сусткашлик қилмоқдалар.

Давлатга мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари сотишда резервлардан фойдаланилмаяпти. Ем-хашак тайёрлашда жиддий аҳвол вужудга келди, фермаларни чорва қишловига ҳозирлаш муддатлари чўзиб юборилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хўжаликлар, бригадалар, звенолар ва фермалар социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари устидан партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг назоратини кучайтириш ғоят зарурлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, Главсредазирсовхозстройга, уларнинг жойлардаги органларига, хўжаликларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларига ўзаро текшириш чоғида аниқланган камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан жуда шошилинч чоралар кўриш, республика колхоз ва совхозлари барча коллективларининг куч-ғайратларини беш йиллик биринчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар қилиш таклиф этилди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар олдига ҳосил етилгунга қадар ғўза парваришини кучайтириш, бунда ғўзалари ривожланишдан орқада қолган далаларга алоҳида эътибор бериш вазифаси қўйилди. Суръат кучайтирилиб пахта териш техникаси, тайёрлов тармоқлари, қуритиш-тозалаш цехлари, пахта заводлари янги ҳосилни қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга қисқа муддатлар ичида шай қилиб қўйилсин. Ғўза дефолиациясига ўз вақтида тайёргарлик кўрилиб, бу иш сифатли ўтказилсин, ердаги аппаратларни қўлланишга асосий эътибор берилсин.

Дон ва силос учун маккажўхори ўрим-йиғимини нобудгарчиликсиз ўтказиш зарур. Бўшаган ерлардан такрорий ва оралиқ озуқа экинлари экиш учун фойдаланилсин. Меҳнат ресурслари билан моддий ресурслар мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш суръатларини кучайтиришга қаратилсин, шу маҳсулотларнинг савдо тармоқларига, қайта ишлашга узлуксиз етказиб бериб турилиши ташкил қилинсин, аҳолини шундай маҳсулот билан таъминлаш яхшилансин.

Ҳар бир хўжалик чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, чорва ва паррандалар сони ҳамда маҳсулдорлигини ўстириш юзасидан белгиланган планларни сўзсиз бажариши вазифа қилиб қўйилган. Озуқа экинлари етиштириш ва ем-хашак тайёрлаш технологиясига қатъий риоя этиш, бўлғуси қишловга дағал ва ширали ем-хашакнинг гарантияланган запаси яратилиши учун хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан талабчанликни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Партия комитетларига, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларига дала шийпонлари ва фермалардаги ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишнинг таъсирчанлигини кучайтириш, республика ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг пахта, бошқа экинлар ҳосилини тўплашга, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қўшадиган шахсий ҳиссасининг муҳимлигини унинг онгига етказиш таклиф қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

9 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорлари талаблари асосида республика партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда партия, совет, касаба союз, комсомол активлари, область партия комитетларининг иккинчи секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, оммавий-ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Докладда ҳамда Тошкент область партия комитети иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Сирдарё область партия комитети иккинчи секретари Б. А. Алламуродов, Ўзбекистон ССР прокурори А. В. Бутурлин, республика молия министрининг ўринбосари Р. У. Тўрақулов, Фарғона область ижроия комитети раиси биринчи ўринбосари Г. Д. Котоврасов, Самарқанд область партия комитети иккинчи секретари Ю. С. Васильев, Бухоро область халқ контроли комитети раиси Н. Х. Саидахмедовнинг нутқларида яқинда қабул қилинган ҳужжатлар меҳнат ва истеъмол мезони устидан давлат ҳамда жамоат контролини кучайтиришга, социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган асосий принципини амалга оширишга қаратилганлиги таъкидланди. Республикада салбий ҳодисаларга қарши кураш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин авж олдириб юборилганлиги муайян натижалар берди. Кўпгина меҳнат коллективларида ахлоқий-маънавий муҳит соғломлашди, меҳнаткашларнинг сиёсий, социал ва меҳнат активлиги ошди. Социалистик турмуш тарзининг норма ва принципларини, социал адолат принципларини қўпол равишда бузган кишиларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди. Бироқ бу, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари, ҳамма соҳаларни — ҳам иқтисодий, ҳам социал соҳани қамраб олиши лозим бўлган қайта қуриш йўлидаги дастлабки қадамлар, холос.

Хўжалик ва ҳуқуқий практикадаги пул маблағларининг контролсиз ҳаракатига олиб келадиган ҳамма тирқишлар ҳали ҳам беркитиб ташланмаганлиги, айрим шахсларнинг жамиятга зарар етказиб, унинг ҳисобига яшашга уринишларига ҳамиша ҳам чек қўйилмаётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Одамлар ўғирлик, чайқовчилик, порахўрлик, ғайриқонуний фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиб, меҳнатсиз даромад олаётганлиги хусусидаги фактлар оз эмас. Уларнинг баъзилари бойлик орттириш мақсадида давлат машиналари, механизмлари, транспорт воситаларидан, уй-жой майдони, ёқилғи, хом ашё ва материаллардан фойдаланмоқдалар. Савдо, маиший, коммунал, медицина хизмати соҳаларида, ўқув юртларида кўрсатилган хизмат учун қўшимча ҳақ ундириш, тушган пулни ўзлаштириш, гражданларни алдаш, ошна-оғайнигарчилик ҳолларига ҳануз ҳотима берилгани йўқ. Мансабдор шахслар ҳам кўпинча ғаразли мақсадларни кўзлаб, хизмат мансабидан фойдаланиш йўлига ўтмоқдалар. Бу ва бошқа хунук ҳодисалар социалистик турмуш тарзига, ҳалол меҳнаткашларнинг манфаатларига зид бўлиб, уларнинг ҳақли равишда ғазабини қўзғатмоқда. Шу сабабли, деб таъкидланди кенгашда, ғаразли мақсадни кўзлашни тугатиш ишини тубдан яхшилаш керак. Бу — катта сиёсий, социал-иқтисодий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган умумпартиявий, умумхалқ вазифасидир.

Кенгаш қатнашчилари ишларнинг мавжуд аҳволига объектив баҳо бериб, давлат интизомига риоя қилишни, ҳисоб-китоб ва ҳисоботни контрол қилиш ишидаги камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш ҳозирча тугатилган эмас. Бу иллатга қарши барча партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бир қанча корхоналарда, қурилиш ташкилотларида, бошқа тармоқларда майда ўғирлик камаймаётганлиги ташвиш туғдирмоқда. Колхоз бозорларида тартиб ўрнатиш талаб қилинади, чайқовчилар ва олибсотарларнинг йўли ҳали беркитиб қўйилган эмас. Олғирлар, порахўрлар. давлат ҳисобига бойлик орттиришга интилувчилар йўлига мустаҳкам ғов солишга қаратилган конкрет таклифлар айтилди.

Социализм табиатига ёт бўлган меҳнатсиз даромадларни таг-томири билан тугатишда, деб таъкидланди кенгашда, ҳар бир партия комитети, халқ депутатлари Советлари, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва контрол қилиш органлари фаол иштирок этишлари лозим. Партия комитетлари мансабдор кишилар, раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни оширибгина қолмай, шу билан бирга барча коммунистларни, ҳамма меҳнаткашларни халқ бойлигини юлғичлардан сақлаш ва асрашни таъминлаш учун, хўжасизлик, порахўрлик, тамагирликни келтириб чиқарувчи шароитларни тугатиш учун курашга отлантириш керак. Меҳнатсиз даромад орттиришга қарши курашни якка меҳнат фаолиятини тартибга солиш билан айни бир пайтда қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда олиб бориш, агар бу фаолият жамият манфаатларига қаратилган бўлса, уни ҳар томонлама рағбатлантириш, бу ишда расмиятчиликка йўл қўймаслик лозим.

Партия комитетлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ғоявий-тарбиявий иши самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга, унинг услуби ва методларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар. (ЎзТАГ).

# ҲАМИША СИФАТЛИ ВА УЗЛУКСИЗ БЎЛСИН

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳар аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилмоқда?**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИНИ САБЗАВОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

Маълумки, қарорга мувофиқ шаҳар аҳолисига қайси сабзавот туридан қайси ойда қанча миқдорда етказиб бериш юзасидан календарь график ишлаб чиқилиб, республика Министрлар Совети томонидан тасдиқланган. «Ташплодоовошчпром» бирлашмаси шу графикка асосан колхоз ва совхозлар билан шартнома тузади. Аммо таъминотдаги узилишларга ва шаҳарликларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган асосий иллат ана шу шартномаларнинг ойма-ойига бажарилмаслиги, тайёрлов ва савдо ташкилотлари билан колхоз ва совхозлар ўртасидаги номутаносиблик, томонларнинг кўпроқ ўз манфаатини кўзлаб иш тутаётганидадир. Фикримизни далиллаш учун сабзавот экинларини турлари бўйича етиштириш амалда қандай бўлаётганлигини таҳлил қилиб кўрайлик.

Тасдиқланган календарь графикка мувофиқ йиллик нормадаги карамнинг 20 процентга яқинини эртаки, 8—9 процентини ўртаки, 70 процентдан кўпроғини кечки карам ташкил этиши керак. Лекин амалда бунинг акси бўлаётир. Хўжаликлар иқтисодий манфаатдорликни назарда тутиб эртаки карамни кўпроқ экишга ҳаракат қиладилар. Оқибатда, ҳамма хўжаликлардаги карам деярли бир пайтда пишиб етилади. Хўжаликлар маҳсулотни тезроқ реализация қилишга уринади. Улгуржи-чакана савдо идораларининг омборлари, дўконлари карамга тўлиб кетади. Ўтганича сотилади, қолгани туриб қолиб, сифати бузилади, яроқсиз ҳолга келиб, нобуд бўлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, дўконларда карам қолмайди. Бу пайтга келиб, давлат дўконларига ўртаки карам ҳосили чиқарилганида айни муддао бўларди. Аммо, сабзавоткор районларда кейинги йилларда нима учундир ўртаки карам мутлақо экилмайдиган бўлиб қолди.

Шу фикрни давом эттириб, ҳозир хўжаликларда бодринг ва помидор экишда одат бўлиб қолган нотўғри практикани далил қилиб келтирмоқчимиз. Нима учундир кейинги йилларда сабзавоткор районларда бодрингнинг асосан эртаки тури экилаяпти. Сабзавот маҳсулотларини харид қилиш бўйича тасдиқланган календарь графикда ҳам йиллик нормадаги бодрингнинг 31—32 процентини июнь ойида, яъни эртакиси ҳисобидан етказиб бериш белгилаб қўйилган.

Хўш, бундай иш тутишнинг оқибати нима бўлаяпти?

Лўнда қилиб айтганда деҳқонга ҳам, харидорга ҳам зарар бўлаяпти.

Бодрингни тузлаб, қишга ғамлаш ҳақида гап кетганида бу масаланинг яна бир муҳим томони хусусида ҳам тўхталишга тўғри келади. Илгари бодрингнинг кечки навлари кўп экиларди. Мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда танилган уста деҳқонлар ҳам кўп эди. Аммо, афсуски, кейинги йилларда хўжаликлар кечки бодринг экмай қўйишди. Район ва хўжалик раҳбарлари, мутахассислар билан суҳбатлашсангиз, экинга тез шира тушиб, бошқа касалликларга чалиниб, ҳосили яхши бўлмаяпти, деган сабабни рўкач қилишади. Тўғри, биз уларнинг бу фикрларини бутунлай инкор этмаймиз. Лекин сабабга баҳонани аралаштирмаслик керак-да.

Маълумки, бодринг палакли яъни парваришталаб, нозик экин ҳисобланади. Парваришнинг айни масъулиятли даври ёз чилласига тўғри келиб, деҳқонга оғир бўлади. Аммо меҳнатидан қочмайдиган деҳқонлар уддасидан чиқишяпти. Оржоникидзе районидаги «Правда», «Октябрь» колхозларида ҳар йили кечки бодринг экилиб, яхши ҳосил олинаяпти. Экин касалга чалинаётгани йўқ.

Бизнингча, эртаки бодринг 25—30 процент майдонни эгалласа, 70—75 процент майдонга эса кечки бодрингнинг «Тошкент-740», «Марғилон», «Рябчик» навлари экилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хўжаликларда помидор экишга муносабат бодрингга нисбатан аксинчадир. Улар кўпроқ кечки «Волгоград» навини экишга ҳаракат қилишади. Чунки бу нав жуда серҳосил бўлиб, консерва заводлари тўхтовсиз қабул қилаверади, хўжалик планни тез ва ошириб бажаради. Лекин шаҳарликларнинг эҳтиёжи-чи? Йўқ, колхоз ва совхозлар кўпроқ ўз манфаатларини кўзлаб, бу муҳим масалани четлаб ўтадилар. Ҳолбуки, эртапишар ва кузгача ҳосил берадиган «Яблочний», «Подарка», «Талалихин» ва «Юсупов» навларини эксалар, ҳосилнинг сарасини ёз бўйи ва эрта куз пайтида давлат дўконларида узлуксиз сотиш мумкин. Бу хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали. Масалан, тайёрлов органлари бир тонна помидорни 183 сўмга харид қиладилар. Агар дўконларга саралаб чиқариб турилса, 230 сўмдан кам бўлмайди.

Шаҳар аҳолисининг эҳтиёжи шуни кўрсатмоқдаки, йиллик нормадаги помидорнинг 25—30 проценти эртаки навлар ҳисобига бўлиши керак.

Кейинги йилларда шаҳар атрофидаги сабзавоткор районларда кечки картошка деярли экилмаяпти. Чунки хўжаликлар сифатли сақланган кечки нав уруғлик билан таъминланмайдилар. Ёз чилласида экилган уруғнинг бир қисми чириб, кўчат сийрак бўлиб қолади. Хуллас кузга бориб олинган ҳосил баъзан сарфланган уруғликнинг ўрнини ҳам қопламайди. Хўжалик ҳам, деҳқон ҳам меҳнатига яраша даромад ололмайди.

Аммо бизни шуниси қизиқтирадики, кўпроқ эртаки картошка экиш пайида бўлаётган хўжаликларда нима учун ҳосилни эртароқ етиштиришга ҳаракат қилинмаяпти? Деҳқонлар томорқаларида пленка остига картошка экиб, апрель ойидаёқ ҳосилни бозорга олиб чиқмоқдалар. Колхоз ва совхоз ерларида ҳам ҳосилни эрта етилтиришнинг иложи йўқми? Айтайлик, эртаки картошка учун планлаштирилган майдон ҳамма бригадаларга оз-оздан тақсимлаб берилиб, кузда олиб қўйилган эгатларга пленка остига эртароқ экилса, далада ҳам эртароқ пишиб етилмасмикин?

Бу гаплар мулоҳаза тариқасида айтилмоқда, албатта. Томорқадаги беш-олти сотих билан даладаги беш-олти гектар ер ўртасида катта фарқ борлиги ҳаммага тушунарли. Гап — хоҳиш-истакда, излаш-изланишда. Ахир илгари кечки картошка экиб келинган, ҳосили ҳам чакки бўлмаган. Масалан, Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхоз картошка етиштириш планини ҳар йили асосан кечки нав ҳисобига бажариб келаётир. Демак, имконият бор, уддаласа бўлади. Аммо хўжаликлар меҳнатидан эриниб, кечки картошка ўрнига жарима тўлаш билан қутулишяпти. Шаҳар аҳолисига жарима пули эмас, картошка керак-ку! Картошка ўрнига жарима тўлаш қачонгача давом этади. Қачонгача Тошкентга четдан картошка ташиб келтирилади?

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўз еримизда етиштирилган картошкани узоқ муддат сақлаш мумкин. Россия областларидан келтирилган картошканинг эса анчагина қисми чириб, йўқ бўлиб кетяпти.

Шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш масаласининг яна бир муҳим томони хусусида кенгроқ тўхталиш ўринли, деб ўйлаймиз. Гап маҳсулотнинг сифати ҳақида бормоқда. Бунинг муҳимлиги шундаки, агар маҳсулот сифатли бўлмаса ўз харидорини топа олмайди.

Хўш, дўконларга чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли бўлиши нималарга, тўғрироғи кимларга боғлиқ? Бу вазифа фақат деҳқоннинг зиммасидами ёки деҳқон билан шаҳар аҳолиси ўртасида турган тайёрлов ва савдо ташкилотларидан ҳам талаб қилиш керакми?

Кўпгина кузатувлардан сўнг бу муаммонинг ечими бироз ойдинлашгандек туюлмоқда. Бу йилга келиб далалардаги ҳосил сифати харидорларга манзур бўладиган даражада яхшиланди. Аммо шуниси ачинарлики, маҳсулотнинг сифати асосан дала билан магазин оралиғидаги палапартишлик, масъулиятсизлик оқибатида бузиляпти.

Тўғри, «Ташплодоовошчпром» бирлашмаси сабзавотни сархил ҳолида сотишга улгуриш учун анчагина ишлар қилди. Жумладан шу йилнинг 1 июнидан марказий диспетчерлик хизматини уюштириб, «дала-магазин» усулини жорий этди. Лекин афсуски, бундай қулай усул ҳали тўла қўллланила бошлагани йўқ. Бирлашманинг шаҳар районларидаги улгуржи-чакана савдо идоралари ўзаро шартнома тузилган хўжаликларнинг ўзида омборлар ташкил этгани яхши бўлди-ю, бироқ у ҳам тўла самара бермаяпти. Маҳсулотнинг даладан шу омборга келиб тушиш жараёни тўғри изга солинган-у, магазинга етиб бориб, харидор қўлига теккунча, ўртада ҳамон узилишлар бўлиб турибди. Агар марказий диспетчерлик хизмати ўз вазифасини юз фоиз бажариб, аниқ ишлаб турса, сабзавот ташувчи транспорт ҳаракати изга тушарди, маҳсулот турлари магазинларга керак миқдорда тақсимланиб туриларди.

Эътиборга олса арзийдиган яна бир фикр бор. Маълумки, «Ташплодоовошчпром» бирлашмасининг районлардаги улгуржи-чакана савдо идораларининг вазифаси пишиб етилган ҳосилни қабул қилиб олиб, аҳолига сотишдангина иборат бўлмаслиги керак. Хўжаликларда шартномадаги сабзавот турларини экиш планларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилишлари, экиннинг ривожини, ҳосилнинг чўғини, унинг пишиб етилишини мунтазам кузатиб боришлари, хулоса қилиб айтганда хўжаликларга тез-тез чиқишлари ва бевосита далаларда бўлиб туришлари лозим.

Деҳқонлар билан мулоқотда бўлсангиз, кўпинча ўз меҳнатларига ачиниб гапиришади. Уларни тўғри тушунмоқ керак. Меҳнатлари оғир. Лекин шу машаққатли меҳнат самараси айрим тайёрлов ва савдо ташкилотларининг айби билан яроқсиз ҳолга келаётган маҳсулотга қўшилиб йўққа чиқаяпти.

Масалан, далада пишиб турган помидор йирик дағал тахта яшикларга уйиб жойланади. Юк машинаси ёки трактор прицепига ортилиб 100—150 метр юрмасданоқ яшикларнинг остидаги помидор эзилиб, суви оқа бошлайди. То омборга келтирилиб тарозидан ўтказилиб, бошқа транспортга юклаб, дўконга етказиб борилгунча бу помидордан нима қолади?

Деҳқонлар ҳам, улгуржи-чакана савдо идоралари ходимлари ҳам эзилиб, тез айнайдиган дала маҳсулотларини ана шундай юмшоқ яшикларда ташишни йўлга қўйишни тавсия этмоқдалар. Биринчидан, «Ташплодоовошчпром» бирлашмасида тайёрланган «Астрахан» яшчиклари кўпга чидайди ва шу сабабли арзонга тушади. Хўжаликлар билан тайёрлов органлари яшчикларнинг ҳисобини олиб бориб, узоқ вақтгача алмашлаб ишлатаверадилар. Иккинчидан, юмшоқ яшчикларга икки ёки уч қатор қилиб жойлаштирилган помидор бир-бирини эзмайди, майда-йириклиги, яъни стандарт талабларига мос келиш-келмаслиги яққол кўриниб туради. Шунга қараб тайёрловчилар деҳқонларга эътироз билдиришлари, маҳсулотни даланинг ўзидаёқ саралаб олишлари мумкин. Бундай яшчиклар етарлича бор.

Сабзавот таъминотини тўғри йўлга қўйишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган яна бир муҳим масала тайёрлов пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдир. Ҳозир «Ташплодоовошчпром» бирлашмаси ихтиёрида 73 минг тонна сабзавот сақланадиган холодильник қурилмалари бор. Аммо бу ҳали оз. Шаҳар аҳолисининг эҳтиёжи тўла ҳисобга олинса ҳозирнинг ўзидаёқ омборхоналарнинг умумий сиғими камида 100 минг тонна бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳар аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1986—1990 йилларда Келесда енгил металл конструкцияларидан 15 минг тонна сабзавот сақланадиган янги омборхона қуриб ишга туширилиши керак. Аммо республика партия ва ҳукуматининг бу кўрсатмасини бажаришга ҳанузгача киришилгани йўқ.

Хулоса қилиб айтганда шаҳар аҳолисини сифатли мева-сабзавот ва картошка билан йил ўн-икки ой узлуксиз таъминлаб бориш мураккаб, масъулиятли ва шу билан бирга шарафли вазифадир. Уни фақат деҳқон меҳнатини қайта қуриш билан ҳал этиб бўлмайди. Бу ишга колхоз ва совхозлар, тайёрлов ва савдо ташкилотлари ягона мақсадни кўзлаб баравар киришишлари, ўзаро ҳамкорлик ва уюшқоқлик билан иш олиб боришлари керак.

**А. ЖАЛОЛОВ,**
**меҳнат ва уруш ветерани, «Ташплодоовошчпром» бирлашмасининг С. Раҳимов районидаги улгуржи-чакана савдо идораси агроном-товаршуноси.**

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

*Ем-хашак тайёрлаш «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

## БЕПАРВОЛИК ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

**ОҲАНГАРОН РАЙОНИДАГИ КУЙБИШЕВ НОМЛИ СОВХОЗДА БЕДАНИНГ УЧИНЧИ ЎРИМИ ҲАМОН ТУГАТИЛГАНИ ЙЎҚ.**

ШУ КУНГАЧА бу хўжаликда мавжуд 415 гектар ердаги беданинг 50 гектарга яқини ўриб олинди, холос. Хўжалик далаларида бўлган кишини бундай қолоқликнинг сабабларини тезда илғаб олади. Мана бир мисол: Наби Кенжаев бошлиқ бригада майдонлари офтобдан қовжираб, жизғанак бўлиб ётибди. «Азаматлар» иккинчи ўримдан сўнг бедага атиги бир марта, у ҳам бўлса, наридан-бери сув қўйишибди. Экиннинг бўйи айрим ерларда бир қаричга ҳам етмайди. Сув ичмаган жойларда эса умуман беда ривожланмаган.

Мазкур бригадада беданинг учинчи ўрими 31 июлда бошланди. Ваҳоланки, райондаги илғор коллективларда бу ишга июль ойининг бошидаёқ киришилганди.

Шундай бўлсада далада атиги битта ўрим ҳамда битта йиғув агрегати ишлатилмоқда. Хашакни йиғиштириб олиш ва прицепларга ортиш қўл кучи билан бажарилаётганлиги туфайли бу ишлар жуда сусткашлик билан бормоқда. Агар бу ердаги мутасадди ўртоқлардан ишларнинг нима сабабдан кечикаётганлигини сўрасангиз, озуқачилик бригадасининг кўпчилик аъзолари суғориш ишлари билан банд эканини баҳона қилишади.

Ҳайитбой Қорабоев бошлиқ бригада далаларида ҳам ўрим-йиғим ишлари ўлда-жўлда қолмоқда. Чунки бу ерда ҳам беда яхши ривожланмаган. Бригада далаларида ишлатилаётган 2 та «КИР-1,5» ўрим агрегатининг унумдорлиги жуда паст. Бригадирнинг таъкидлашича яқин кунларда яна бир шундай агрегат ремонтдан чиқарилиб, ишга туширилармиш (?). Хўжаликда бекор турган ўрим агрегатлари бўла туриб, вақтида созлаб қўйилмаган техникага кўз тикиб ўтиришнинг нима ҳожати бор! Нима учун бу ерда бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти? Мавжуд куч ва техника воситалари ўрим-йиғимга тўла сафарбар этилмаяпти?

Шуниси ажабланарлики юқорида айтиб ўтилган иккала бригада бошлиқлари ҳам бу йилги план ва мажбуриятлари қанча эканлиги, ҳозиргача қанча хашак топширганликларини аниқ айтиб беролмадилар. Кейин аниқлашимизча Ҳ. Қорабоев бошлиқ бригададаги 100 гектар бедапоянинг эндигина 10 гектари кўк масса учун ўриб олинган.

Хўжаликда меҳнаткашларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун ҳам етарлича шарт-шароитлар яратилмаган. Ҳ. Қорабоев бошлиқ бригада озуқакорлари тахта-ёғочдан қурилган, тўкилиб кетиш арафасида турган бинодан дала шийпони ўрнида фойдаланишмоқда.

Беда парвариши ва ўрим-йиғими ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги туфайли совхозда йиллик планда белгиланганига нисбатан 52 процент атрофида дағал хашак жамғарилди. Бунинг устига гектар бошига олинаётган ҳосилдорлик ҳам бошқа хўжаликларга нисбатан анча кам бўлмоқда. Мазкур совхозда ўрим-йиғим ишларини қисқа фурсатларда туғаллаш ва бедапояларни тўртинчи ўримга тайёрлаш учун қўшимча агротехник тадбирлар амалга ошириш лозимдир. Бусиз ишда бурилиш ясаб бўлмайди. Шундагина қиш-қировли кунларда чорвадорлар молларни озуқа билан ўз вақтида таъминлаш имкониятига эга бўладилар. Акс ҳолда бошқа хўжаликлардан қарз сўраб, панд еб қолишлари мумкин.

**А. НАВРЎЗОВ.**



◆ ЧИНОЗ районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Қўчқор Холбеков етакчилик қилаётган озуқачилик бригадаси аъзолари 159 гектар майдондаги бедадан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Шу кунларда беданинг тўртинчи ўримига киришилмоқда. Суратларда: илғор механизатор Б. Норматов; ўрим пайти.

**А. Зуфаров** фотолари.

**ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА**

## Алоқа мустаҳкамланмоқда

Пискентдаги Акмал Икромов номли 11-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти қарийб 25 йилдирки, халқ хўжалигига ишчи кадрлар етиштириб бермоқда. Ўтган давр мобайнида у 11 мингдан зиёд йигит-қизга ҳаётга йўлланма берди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мария Ковалева ва Саодат Гулахмедова, Ленин ордени кавалери Дилбар Норматова сингари ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари ана шу билим юртида таълим олишган.

Механизатор, тракторчи-машинист, сут соғувчи оператор, кичик ветеринар-фельдшер каби йилига 510 дан ортиқ касб эгаларини тайёрлаётган бу ўқув даргоҳида ёшларга касб ўргатиш анча такомиллашган. Билим юртида 15 та ўқув кабинети ва лаборатория мавжуд бўлиб, улар замонавий зарур нарсалар билан жиҳозланган. Инженер-педагог ва мастерлар йигит-қизларга ҳунар ўргатмоқдалар.

Билим юртининг ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқаси муҳим роль ўйнаяпти. Буни биз хўжаликларда жойлашган 8 та филиал фаолиятидан ҳам кўрсак бўлади:

— Совхозимиз марказий устахонаси қошида филиал иш бошлаганига кўп йил бўлди. Унга ҳар йили техникага ихлосманд 25—30 ёш жалб қилинади. Махсус хоналар ажратилган. Ўқувчилар олган назарий билимларини устахонанинг ўзида синовдан ўтказадилар,—дейди «Пискент» совхози бош инженери Ғуломназир Турдиохунов.

Совхоз қошидаги филиалда дарс бериш учун ўқитувчиларгина эмас, ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислар ҳам жалб этилмоқдалар. Хусусан филиалда бош инженердан ташқари, совхоз инженерлари Ғофир Отабоев, Зукур Ғуломовлар ҳам бир неча бор бўлиб, талабаларга совхоз ишлаб чиқариши ҳақида гапириб бердилар. Бундай учрашувлар билим юрти моддий базасини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаяпти.

Илгари совхоз оталиқ ташкилот сифатида билим юртига етарли ёрдам бермасди. Кейинчалик техника, ёнилғи-мойлаш материаллари, запас қисмлар ажратадиган бўлди. Оталиқ ташкилоти билан билим юрти ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда.

**Р. ЙЎЛЧИЕВА.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЯНГИ ТАКЛИФЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

● **УЛАН-БАТОР.** КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Владивостокда олға сурган янги совет таклифлари комплекси Осиёдаги тинчликсевар давлатларнинг халқаро кескинликни юмшатиш, Осиё ҳамда Тинч океан ҳавзасидаги мамлакатлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги муҳим ишдир, деди Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси, ядро урушига қарши курашувчи Монголия врачлари комитети раисининг ўринбосари П. Нямдава. Ер юзининг аҳоли энг зич яшайдиган қисми аҳолисига қаратилган бу таклифлар тинчлик тарафдорлари курашининг муваффақиятига катта ҳисса қўшади. Шу таклифлар Совет Иттифоқининг сиёсати самимий, тинчликсевар сиёсат эканлигининг яна бир бор далили бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлади П. Нямдава.

● **ЖАКАРТА.** КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Владивостокда сўзлаган нутқи мавжуд проблемаларни региондаги ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва миллий хусусиятларини эътиборга олиб, ҳал этиш йўлидаги яна бир жиддий ҳаракатдир, деб ёзади «Индонезия таймс» газетаси.

Совет Иттифоқи регионлардаги можароларга барҳам бериш, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши кераклигига ишонади. Ҳамкорликка ва тинч-тотув яшашга эришиш мақсадида музокаралар олиб бориш йўли билан можароларни тинч бартараф этишни қўллаб-қувватласак арзийди, деб уқтиради газета.

Бу эса Бандунг конференциясининг 10 принципига ва қўшилмаслик ҳаракати принципларига мос келади.

● **ВЕНА.** Австрия ташқи ишлар министри П. Янкович Совет Иттифоқи ялпи тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида кўрсатаётган ташаббусларга юксак баҳо берди. У Венада ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, совет раҳбари олға сурган таклифлар қурол-яроғларни камайтириш ва қуролсизланиш мақсадини кўзлаётган сиёсатни ҳаракатга келтирди, деб таъкидлади. Янкович келгусида халқаро соҳада кескинликни юмшатиш ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган ҳаракатларнинг роли ва аҳамияти тобора ортаберади, деб ишонч билдирди. У Австрия бу соҳадаги ўз ҳаракатларини ҳам активлаштиришга азму қарор бергандир, деди.

● **ПАНАМА.** СССРнинг Владивостокда баён этилган янги тинчлик ташаббуслари халқаро хавфсизликни таъминлашга, дунёдаги вазиятни соғломлаштиришга қаратилгандир, деди суверенитет ва тинчликни ҳимоя қилиш миллий кенгашининг фахрий раиси Эстер Мария Оссес хоним ТАСС мухбири Евгений Кожуханцев билан суҳбатда.

Бу таклифлар, деди у, қуролсизланиш учун, инсоният боши узра пайдо бўлган ядро ҳалокати хавфини бартараф этиш учун курашаётган Совет Иттифоқи амалий ташқи сиёсатининг муҳим босқичидир. Совет Иттифоқи кескинликни юмшатишга эришиш учун сарфлаётган куч-ғайратлар турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришиш ишига қўшилаётган муҳим ҳиссадир.

(ТАСС).

**◆ Автомобиль саноати Польша халқ хўжалиги тармоғининг тез ривожланаётган соҳаларидан биридир. Ҳозир бу ерда кўпгина социалистик мамлакатлар билан рақобат қила оладиган юк машиналари ва енгил автомобилларнинг янги маркалари ишлаб чиқарилмоқда.**

**Суратда: Стараховицдаги Ф. Дзержинский номли автомобиль заводи цехида «Стар-20» типидаги янги машинани йиғиш пайти.**

**ЦАФ—ТАСС фотоси.**



## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БРЮССЕЛЬ. Бельгиянинг Шарлеруа шаҳридаги қабристонда бундан 30 йил муқаддам Эно вилояти кўмир шахталарининг бирида рўй берган фалокат натижасида ҳалок бўлган шахтёрларнинг қабрларига гулчамбарлар қўйиш мотам маросими ўтказилди. 1956 йил 8 август эрта тонгда 900 метрдан кўпроқ чуқурликдаги штрекда чиққан кучли ёнғин 262 кишининг ёстиғини қуритган эди. Корхона эгалари қўшимча фойда кетидан қувиб, хавфсизлик техникаси талабларини назарписанд қилмаганликлари фожиага сабаб бўлганди.

ЛОНДОН. Британия полицияси бугун Гринэм—Коммондаги ҳарбий база олдида урушга қарши ўтказилган тинч намойиш қатнашчиларидан 30 кишини қамоққа олди. Намойиш қатнашчиларининг бутун «айби» шундан иборат эдики, улар АҚШ авиацияси Япониянинг Нагасаки шаҳрини атом бомбардимони қилганлигининг 41 йиллиги кунида Буюк Британия ва АҚШ ҳукуматларидан Британия ороллари территориясидаги Америка ядро қуролини чиқариб ташлашни талаб қилиш учун ана шу ҳарбий объект олдига келишган эди. Гринэм—Коммондаги базада Американинг ядровий қанотли ракеталари жойлаштирилган ва оператив тайёр ҳолга келтириб қўйилган.

(ТАСС).

## ДЎЛ АРАЛАШ СОВУҚ ЁМҒИР

ГАВАНА. Кубанинг жанубий соҳилида жойлашган Матансас вилоятидаги унча катта бўлмаган Плая—Хирон посёлкаси аҳолиси камдан-кам учрайдиган табиий ҳодисанинг шоҳиди бўлди. Шу кенгликлар учун одатдагидек бўлган тропик жала бирданига... кучли дўлга айланиб кетди. Вилоят аҳолисини жуда ҳайратга солган муз зўлдирчалари беш минут давомида осмондан совуқ ёмғир билан аралаш ёғилиб турди. Мутахассислар бу ҳодиса — мунтазам метеорология кузатишлари бошланган пайтдан буён Кубада биринчи марта дўл ёғиши қайд этилган фактдир, демоқдалар.

Худди шу куни кубаликлар яна бир кутилмаган ҳодисага дуч келдилар — термометрлардаги симоб устуни Цельсий бўйича 18 даража белгидан пасайиб кетди, бу эса йилнинг шу даврида ҳавонинг одатдаги ҳароратидан қарийб бир ярим баравар паст эди. Кубада август ойи учун ўртача ҳарорат 26,8 даражани ташкил этади. Ҳатто маҳаллий тушунчалар билан ҳам жазирама, деб ҳисобланаётган бу йил ёзда эса симоб устуни тез-тез 40 даражали белгидан юқорига «сакраб» турибди.

(ТАСС, 11 август).

